

New Day in Medicine Новый День в Медицине NDI



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal







AVICENNA-MED.UZ





12 (74) 2024

Сопредседатели редакционной коллегии:

Ш. Ж. ТЕШАЕВ, А. Ш. РЕВИШВИЛИ

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ

А.А. АБДУМАЖИДОВ

Р.Б. АБДУЛЛАЕВ

Л.М. АБДУЛЛАЕВА

А.Ш. АБДУМАЖИДОВ

М.А. АБДУЛЛАЕВА

Х.А. АБДУМАДЖИДОВ

Б.З. АБДУСАМАТОВ

М.М. АКБАРОВ

Х.А. АКИЛОВ

М.М. АЛИЕВ

С.Ж. АМИНОВ

Ш.Э. АМОНОВ

Ш.М. АХМЕЛОВ

Ю.М. АХМЕДОВ

С.М. АХМЕДОВА

Т.А. АСКАРОВ

М.А. АРТИКОВА

Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)

Е.А. БЕРДИЕВ

Б.Т. БУЗРУКОВ

Р.К. ДАДАБАЕВА

М.Н. ДАМИНОВА

К.А. ДЕХКОНОВ

Э.С. ДЖУМАБАЕВ

А.А. ДЖАЛИЛОВ

Н.Н. ЗОЛОТОВА

А.Ш. ИНОЯТОВ

С. ИНДАМИНОВ

А.И. ИСКАНДАРОВ

А.С. ИЛЬЯСОВ

Э.Э. КОБИЛОВ

A.M. MAHHAHOB

Д.М. МУСАЕВА

Т.С. МУСАЕВ

М.Р. МИРЗОЕВА

Ф.Г. НАЗИРОВ

Н.А. НУРАЛИЕВА Ф.С. ОРИПОВ

Б.Т. РАХИМОВ

Х.А. РАСУЛОВ

Ш.И. РУЗИЕВ

С.А. РУЗИБОЕВ

С.А.ГАФФОРОВ

С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)

Ж.Б. САТТАРОВ

Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)

И.А. САТИВАЛДИЕВА

Ш.Т. САЛИМОВ

Д.И. ТУКСАНОВА

М.М. ТАДЖИЕВ

А.Ж. ХАМРАЕВ

Д.А. ХАСАНОВА

А.М. ШАМСИЕВ

А.К. ШАДМАНОВ Н.Ж. ЭРМАТОВ

Б.Б. ЕРГАШЕВ

Н.Ш. ЕРГАШЕВ

И.Р. ЮЛДАШЕВ

Д.Х. ЮЛДАШЕВА

А.С. ЮСУПОВ

Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ

М.Ш. ХАКИМОВ

Д.О. ИВАНОВ (Россия)

К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)

DONG JINCHENG (Китай)

КУЗАКОВ В.Е. (Россия)

Я. МЕЙЕРНИК (Словакия) В.А. МИТИШ (Россия)

В И. ПРИМАКОВ (Беларусь)

О.В. ПЕШИКОВ (Россия)

А.А. ПОТАПОВ (Россия)

А.А. ТЕПЛОВ (Россия)

Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)

А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия) С.Н ГУСЕЙНОВА (Азарбайджан)

Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV(Azerbaijan) Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

тиббиётда янги кун новый день в медицине **NEW DAY IN MEDICINE**

Илмий-рефератив, матнавий-матрифий журнал Научно-реферативный, духовно-просветительский журнал

УЧРЕДИТЕЛИ:

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»

Национальный медицинский исследовательский центр хирургии имени А.В. Вишневского является генеральным научно-практическим консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных изданий, рецензируемых Высшей Аттестационной Комиссией Республики Узбекистан (Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)

Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)

А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)

Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)

Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)

У.К. КАЮМОВ (Тошкент)

Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)

А.А. НОСИРОВ (Ташкент)

А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)

Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)

Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

12 (74)

ноябрь

www.bsmi.uz

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

https://newdaymedicine.com E:

Received: 20.11.2024, Accepted: 03.12.2024, Published: 10.12.2024

УДК 616. 899-02. 899-053.1. 616.899-056.7

АҚЛ ЗАИФЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ МОСЛАШИШ АСПЕКТЛАРИ

Шодиева Феруза Бешимовна Email: ShodievaF@mail.ru

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш., А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

√ Резюме

Ўрганилаётган беморлар ичида чегарадош рухий бузилишлар ривожланишининг клиник кўринишлари ва динамикаси ижтимоий-психологик шароитларга боглиқ холда ўрганилади. Тадқиқот давомида клиник структура бўйича устувор маълумотлар олинади, ақли заифлиги бўлган беморларни ижтимоий мослашувининг клиник динамикаси, ақлий ривожланишнинг шаклланиши билан боглиқ омиллар ва шароитларни тахлил қилиш ва беморларни мослашиш холатларни ўрганиш. Ақли заифлиги бўлган беморларни ижтимоий мослашувининг клиник динамикаси ўрганилади. Асосий хавф омиллари ажратилади. Ақл заифлиги бўлган беморларни ижтимоий мослашувини тиклаш оптималлаш чоратадбирлар ишлаб чикиш.

Калит сўзлар: рухий холат, хавф омиллари, рухий-асаб бузилишлар, ақли заифлик, ўсмирлар.

АСПЕКТЫ СОЦИАЛЬНОЙ АДАПТАЦИИ БОЛЬНЫХ С ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СЛАБОСТЬЮ

Шодиева Феруза Бешимовна Email: ShodievaF@mail.ru

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан, г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: <u>info@bsmi.uz</u>

✓ Резюме

Изучаются клинические проявления и динамика развития пограничных психических расстройств среди исследуемых пациентов в зависимости от социально-психологических условий. В ходе исследования получают приоритетные данные по клинической структуре, анализируют клиническую динамику социальной адаптации пациентов с умственной отсталостью, факторы и условия, связанные с формированием умственного развития, и изучают адаптационные состояния пациентов. Исследуется клиническая динамика социальной адаптации больных с умственной отсталостью. Выделяются основные факторы риска. Разрабатываются меры по оптимизации восстановления социальной адаптации пациентов с умственной отсталостью.

Ключевые слова: психическое состояние, факторы риска, психоневрологические расстройства, умственная отсталость, подростки

ASPECTS OF SOCIAL ADAPTATION OF PATIENTS WITH INTELLECTUAL DISABILITY

Shodiyeva Feruza Beshimovna Email: ShodievaF@mail.ru

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1 Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Resume

Clinical manifestations and dynamics of development of borderline mental disorders among the studied patients depending on socio-psychological conditions are studied. The study obtains priority data on the clinical structure, analyzes the clinical dynamics of social adaptation of patients with mental retardation, factors and conditions related to the formation of mental development, and studies the adaptation states of patients. The clinical dynamics of social adaptation of patients with mental retardation is investigated. The main risk factors are emphasized. Measures to optimize the recovery of social adaptation of patients with mental retardation are developed.

Keywords: mental health, risk factors, neuropsychiatric disorders, mental retardation, adolescents

Долзарблиги

Ж ахон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра шунингдек, махаллий ва хорижий муаллифлар фикрича замонавий шароитда таълим олиш қиймати ўсиб бораётган даврда, ижтимоий-психологик омилнинг етиологик роли ўсиши чегарадош рухий-асаб бузилишлар ривожланиши клиник кечишига ва динамикасига таъсир килмокда. (Вид В.Д.,1997; Куценко Г.И., Лешкевич И.А., Егоров В.В., 1999). Ўсмирликнинг физиологик ва психологик хусусиятларига салбий омиллар купрок тасир килади. Юкорида айтиб утилганларга караганда усмирларнинг рухий саломатлигини дастлабки тизимда ўрганиш, касб-хунар тизимини ва ахолини кам ижтимоий химояланган кисмини бахолаш алохида ахамият касб етади [7]. (Петров М.П., Шеметова ЛЙА., 1989), Ўсмирлар орасида рухий саломатлик муаммосининг ижтимоий ахамияти ва долзарблиги кўплаб тадкикотчиларнинг кизикишини ортирди (Иванова И.Н.). Хозирги вактда тиббиётда хам, психиатрияда хам хаёт сифати ва ижтимоий фаолиятнинг мухим сохаларини фаол ўрганиш тенденсияси мавжуд. Ақл заиф беморларда катталарда ва болаларда хаёт сифатига бағишланган тадқиқотлар сони жуда катта. Бу масалага шунчалик фаол қизикиш билдирилганига қарамай, хорижий ва махаллий манбалар тахлили шуни кўрсатадики, тадқиқотлар яшаш шаклининг хаёт сифатига таъсирини ўрганишга бағишланган ва унинг ақлий заифлиги бўлган беморларнинг асосий ехтиёжларини қондириш билан ўзаро боғликлиги кам. Чегарадош рухийасаб касалликлари мавжуд бўлган кўпгина ўсмирлар ижтимоий мухитда психиатрик, ижтимоийпсихологик ва ихтисослашган таълимга мухтож бўладилар [9, 11].

Мавзуни ўрганишнинг долзарблиги эркин мехнат бозорига ўтишнинг замонавий шароитида аклий заифлиги бўлган ўкувчиларни ижтимоий ва мехнатга мослаштириш муаммоси тобора долзарб бўлиб бормокда, чунки таълим ташкилотларида мослаштирилган асосий умумий таълим дастурларини (УТД) амалга ошириш, дастурларда касбий йўналиш ва битирувчиларни касбий тайёрлаш ва ишга жойлаштириш етарли даражада ишлаб чикилмаган. Бозор иктисодиёти шароитида бундай битирувчиларнинг ишчи кучи вакиллари билан ракобатлашиши кийин. Шунинг учун акли заиф ўкувчиларнинг мехнат ва касбий тайёргарлиги бўйича мавжуд тажрибани кайта кўриб чикиш зарур [3].

Шунга қарамай, ҳозирги пайтда замонавий жамиятда ақлий заиф бўлган ўқувчининг ижтимоий интеграциялашувига мойиллик мавжуд. 2016 йил 1 сентябрда ҳуқуқий муносабатларга кирган ақлий заиф (ақлий нуқсонлар), оғир ва кўп ривожланиш нуқсонлари бўлган болалар учун Федерал Давлат таълим стандарти (ФДТС) таълим ташкилотлари битирувчилари учун ҳам, уларнинг талабалари учун ҳам янги истиқболларни очади. Биринчи марта ўз фарзандлари учун таълим муассасалари ва таълим имкониятларини танлаш имконияти ота-оналарга берилди [12]. Бу, ўз навбатида, уларнинг муваффакиятли ижтимоий ва меҳнатга мослашиши учун шароит яратади. Ақлий заифлиги (ақлий нуқсонлари) бўлган ўсмирларнинг ижтимоий ва меҳнатга мослашуви муаммосини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва замонавий таълим ташкилотларида ишланмалардан амалий фойдаланиш ўртасида қарама-қаршилик мавжуд.

Соғлиқни сақлаш тизими фукароларнинг энг заиф тоифалари, шу жумладан ногирон ўсмирлари бўлган оилаларнинг манфаатлари ва хукукларини химоя килиш давлатнинг мухим ижтимоий вазифаларидан бири хисобланади. Болалар ва ўсмирлар ўртасида рухий беморлар таркибида акл заифлик асосийлардан биридир. Баъзи нашрларнин фикрига кўра, иктисодий жихатдан ривожланган мамлакатларда аклий заифликнинг таркалиши 3% ни ташкил килади, иктисодий жихатдан ривожланмаган мамлакатларда 31%гача ўзгариб туради.

Тадқиқот концепцияси рухий касалликларнинг мавжудлиги асосий касалликнинг ривожланишини кучайтиради, шахс ва унинг оила азоларининг хаёт сифатини бахолаш



кўрсаткичларига таъсир қилади деган фикрга асосланади [15]. Шундай қилиб, ақл заифлик муаммосига бўлган қизиқишга қарамай, рухий-клиник ва психопаталогик жиҳатларнинг шакилланишига таъсирини, уларнинг хусусиятларига таъсири ва сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича кўшимча тадқиқотлар ўтказиш зарур.

Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни реабилитация қилиш ва уларни ижтимоий соҳага кўшилиш масалаларини умумий таълим тузатиш мактаби шароитида ўрганиш ва реабилитация жараёнининг ҳаёт сифати кўрсаткичларига таъсири долзарб бўлиб қолмокда. Ота - оналар томонидан руҳий бузукликнинг моҳияти ва ривожланишнинг бузилиши билан боланинг оғрикли ҳулк-атворидаги табиатнинг моҳияти, шунингдек, ногирон болага нисбатдан ота-оналарнинг муносабатининг аникланган ҳусусиятлари, шу жумладан нуксонни рад этиш, айбдорлик ҳисси, гипер ёки гипо-ғамҳўрлик, оналар томонидан ўз фарзандлариниг ҳақиқий руҳий ҳолатини ва улар ўз фарзандларини ҳаётий кўрсаткичларини қандай баҳолашларини тушунишни ўранишни талаб қилади.

Тадқиқотнинг мақсади: ақли заифлиги бўлган беморларни ижтимоий мослашувини клиник динамик таҳлил қилиш.

Материал ва тадкикот усуллари

Мослаштирилган асосий умумий таълим дастурларини амалга оширадиган таълим муассасалари шароитида аклий заифлиги (аклий нуксонлари) бўлган ўсмирларнинг ижтимоий ва меҳнатга мослашиш жараёни. Ижтимоий-меҳнат мослашуви ва унинг аклий заиф ўкувчиларнинг шахсий ривожланишидаги роли.

Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати 1961 йилда ташкил топган. Таълим муассасаси Ромитан шахри Бахор кўчаси 18-уйда жойлашган. Муассаса бинолари мослаштирилган бўлиб, куввати 250 ўринга мўлжалланган. Бугунги кунда ушбу муассасада 295 нафар ўкувчи таълим-тарбия олмокда. Ўкувчилар сони бино кувватига нисбатан 1,008 коэффицентни ташкил этади. Шу билан бирга, 19 нафар ўкувчи уйда якка тартибда таълим олади.

Мактаб-интернатлар ақли заиф болаларга таълим беради. Асосий эътибор болаларнинг таълим даражасига эмас, балки уларнинг ижтимоий мослашуви ва касбий тайёргарлигига қаратилади. Болалар умумий таълим фанлари бўйича ўзларида мавжуд бўлган билимларни ўзлаштирадилар.

1-жадвал Ўрганилаётган Ақли заифлик енгил даражаси ташхиси бўлган болаларнинг ёш бўйича тақсимоти

Ёши	Асосий гурух		Назорат гурух	
	Сон	%	Сон	%
19 ёш	1	2.8%	1	ı
18 ёш	-	-	1	2.8%
17 ёш	4	11.4%	6	17.1%
16 ёш	7	20%	3	8.5%
15 ёш	3	8.5%	4	11.4%
14 ёш	2	5.7%	-	-
13 ёш	4	11.4%	-	-
Жами	21	59.8%	14	39.8%

Болалар билан машғулотлар якка ёки кичик гуруҳларда ўтказилади, шунинг учун бола бошқа болалар билан мулоқот қилиш ва мулоқот қилиш имкониятига эга бўлади ва жамоада ўрганишни ўрганади. Ақли заиф болани ўқитиш жараёни унинг ҳар томонлама ривожланишига ҳисса қўшиши керак. Ақли заиф одамнинг ҳулқ-атвори ва ҳаётга мослашишининг мувофиқлиги кўп жиҳатдан унинг умумий ривожланиш даражасига боғлиқ: моторли кўникмалар, нутқ, билим, кўникмалар.

2-жадвал Тадқиқот олиб бориш учун танлаб олинган ақл заифлиги бўлган беморларнинг жинсга нисбати

Ёши	Асосий гурух		Назорат гурух	
	Сон	%	Сон	%
Ўғил бола	14	40%	12	34.3%
Қиз бола	7	20%	2	5.7%
Жами	21	60%	14	40%

Боланинг мактабда ривожланиши ва уни ҳаётий вазиятларга мослашишга ўргатиш жараёнлари бир -бири билан чамбарчас боғлиқ. Ақли заиф болалар билан тузатиш ва тарбиявий ишнинг мақсади, охир-оқибат, уларнинг мослашиши, ишга жойлашиши ва ҳаётга янада мослашиши ҳисобланади. Ақл заифлиги бўлган болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий муҳитга ҳай тарзда ва ҳанчалик даражада мослашиши уларнинг оилавий муҳитига ҳам боғлиқ.

Талкикот олиб борилаётган беморларнинг оилавий мухити

3-жадвал

тадкикот олио обрилаеттан бембрларнинг билавии мухити							
Оилавий мухити	Асосий гурух		Назорат гурух				
	Сон	%	Сон	%			
Тўлиқ оила	7	20%	5	14.2%			
Биргаликда яшайди	12	34.2%	9	25.7%			
Ота-онаси вафол этган							
Ота вафот этган	1	2.8%	-	-			
Она вафот этган	1	2.8%	-	-			
Жами	21	59.8%	14	39.9%			

Белгиланган мақсадларга эришиш ақли заиф болалар билан ишлашнинг асосий вазифаларини ҳал қилиш орқали таъминланади. Бундай вазифалар орасида қуйидагилар ажралиб туради:

- 1) нозик моторли кўникмаларни такомиллаштириш, энг оддий сифат алоқалари ва боғлиқликларини, сезги стандартларини, тахлил ва синтезнинг энг оддий операцияларини, таснифлаш ва тизимлаштириш кўникмаларини махсус ташкил этилган предмет-манипулятив ўйинлар ёрдамида мустаҳкамлаш;
 - 2) шахслараро муносабатлар ва мулокотни тузатиш;
- 3) ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўникмаларини, шахсий гигиенани, маиший маданий кўникмаларни яхшилаш, ижтимоий ва маиший алоқалар доирасини кенгайтириш;
 - 4) ишлаб чиқариш фаолиятидан кенг фойдаланиш;
- 5) муаммоли вазиятларда, ижтимоий, маиший ва микросоциал алоқаларда ўзини тутишнинг етарли шаклларини ўргатиш;
 - 6) яқинлар билан ҳамкорликни шакллантириш;
 - 7) янги ижобий тажрибани хаёт амалиётига ўтказиш.

Хулоса

Тадқиқотни сархисоб қилсак, шуни айтишимиз мумкинки, ҳар қандай ижтимоий мослашув инсондан маълум қобилиятларни талаб қилади. Шу сабабли, шахснинг мослашув табиати ва даражаси кўп жиҳатдан инсоннинг биологик, физиологик, аклий хусусиятларига боглик ва аклий заифликнинг мавжудлиги ижтимоий мослашувни қийинлаштиради, аммо турли хил ижтимоий хизматлар томонидан яхши ташкил этилган профессионал иш ушбу касалликка чалинган одамларга самарали ёрдам кўрсатишга қаратилган профиллар охир-оқибат ижтимоий мослашиш даражасини сезиларли даражада яхшилашга имкон беради. Бирок, ҳозирги вақтда ижтимоий ёрдам муассасаси ўзига юкланган вазифаларни (ишда кўриб чикилган масалалар билан боғлик) тегишли ҳажмда етарли даражада самарали ҳал қилмаяпти.

Тадқиқот ўтказилганлар орасида ота-онаси бўлмаган оилалар хам бор. Қоида тариқасида, бундай оилаларга 1 та ота-она ва 1 та- она бўлмаганлар киратилди. Бир оилада ўгай ота, она бор. Учрашувга ота-оналар ва васийлар таклиф килинди ва шахсан текширилди. Тўлик бўлмаган оилалардан бўлган баъзи оталар тўгрисидаги маълумотлар оналардан олинган ва уларнинг келажак такдири ҳақида билмаганлиги сабабли тўлиқ бўлмаган.



АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1. Аксенова Л.И. Социальная педагогика в специальном образовании: учеб. пособие для студ. сред. пед. учеб. заведений /Л.И. Аксенова. /М.: Издательский центр Академия, 2001; 192 с.
- 2. Белявский Б.В. Исследование социального взаимодействия обучающихся с нарушением интеллекта в процессе их трудовой деятельности Б.В. Белявский //Специальное образование 2012;4:5-14.
- 3. Белявский Б.В. Система работы по профориентации обучающихся с ограниченными возможностями здоровья в образовательных организациях /Б.В. Белявский //Специальное образование. 2016;2:514.
- 4. Болотова Я.Ю. Формирование общетрудовых умений у обучающихся с умственной отсталостью в процессе профессионально- трудового обучения /Я.Ю. Болотова, С.О. Брызгалова //Аспекты психолого-педагогического сопровождения лиц с ограниченными возможностями здоровья: коллективная монография: в 2- х частях. Часть 2 / Под общей редакцией кандидата педагогических наук, профессора О. В. Алмазовой Екатеринбург, Урал. гос. Пед. Ун-т; Ин-т спец. образования; кафедра специальной педагогики и специальной психологии. Екатеринбург, 2016; 263 с.
- 5. Весенков Г.В. Профессионально трудовая подготовка умственно отсталых школьников: дис. ... доктор пед. наук: 13.00.03 / Г.В. Весенков; Пед. академия последипломного образования. Москва, 2006; 422 с.
- 6. Дуброва Т.И. Уровневая дифференциация профессионального обучения подростков с нарушением интеллекта /Т.И. Дуброва //Специальное образование. 2012;2:40-48.
- 7. Зак Г.Г. Формирование социально-трудовых навыков у обучающихся с умственной отсталостью (интеллектуальными нарушениями) во внеурочной деятельности на начальной ступени образования Г.Г. Зак Аспекты психолого-педагогического сопровождения лиц с ограниченными возможностями здоровья: коллективная монография: в 2-х частях. Часть 2 / Под общей редакцией кандидата педагогических наук, профессора О. В. Алмазовой Екатеринбург, Урал. гос. Пед. Ун-т; Ин-т спец. образования; кафедра специальной педагогики и специальной психологии. Екатеринбург, 2016; 263 с.
- 8. Индебаум Е.Л. Психосоциальное развитие подростков с легкими формами интеллектуальной недостаточности в разных образовательных средах Е.Л. Инденбаум //Дефектология. 2011;2:18-27.
- 9. Исаев Д.Н. Умственная отсталость у детей и подростков Д.Н. Исаев. СПб.: Речь, 2003; 195с.
- 10. Капланская Е.И. Новая модель обучения в специальных (коррекционных) общеобразовательных учреждениях 8 вида: Новые учебные программы и методические материалы. Книга 2 / Е.И. Капланская. 2003; 182 с.
- 11. Корень Е.В. Психосоциальная адаптация детей и подростков с психическими расстройствами в контексте современных реабилитационных подходов / Е.В. Корень, Т. А. Куприянова //Дефектология. 2012;3:60-64.
- 12. Коркунов В.В. Профессионально-трудовое обучение, воспитание и адаптация учащихся с нарушением интеллекта. Монография / В.В. Коркунов, С.О. Брызгалова, Г.Г. Зак, А. А. Гнатюк. Екатеринбург, 2012; 162 с.
- 13. Коркунов В.В. Социально-трудовая адаптация учащихся и выпускников вспомогательных школ (принципиальные положения, организация и содержание). /Метод. рекомендации В. В. Коркунов. Екатеринбург, 1989; 114 с.
- 14. Коробейников И.А. Нарушение развития и социальная адаптация / И.А. Коробейников. /М: ПЕР СЭ, 2002; 192 с.
- 15. Коробейников И.А. О соотношении и роли органических и социальных факторов в формировании диагноза «легкая умственная отсталость» /И.А. Коробейников //Дефектология. 2012;3:14-21.

Қабул қилинган сана 20.11.2024